

ВИКТИМ, ЖАБРЛАНГАН ШАХС ХАҚИДАГИ  
ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДАГИ ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

Акбаров Ойбек Эркинжон ўғли  
ИИВ Академияси 3-ўқув курси  
311- гурӯҳ курсанти

Хозирги долзарб ривожланиб бораётган даврда фуқароларимизнинг турли хил сабабларга кўра ўзлари ёки мол-мулкига турли хил холатларда ажият чекиб қолаётгани, яъни хукуқбузарликларда жабрланиб қолаётгани бу бизга сир эмас. Шу холатларни барчасини олдини олиш мақсадида бизнинг энг олий қонунчилигимиз яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари олий қадрият ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилган.<sup>1</sup> Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади ҳам халқимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: “Асосий қонунимизда умумэътироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди. Айнан Биринчи Президентимизнинг саъй-харакатлари билан Конституциямизда “*Инсон ва унинг қадр-қиммати*” деган улуғ тушунча

м

а

р

Хукуқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларида ижтимоий муносабатлар жараёнида юзага келиши мумкин бўлган объектив ва субъектив омиллар шахсни хукуқбузарликлардан жабрланишига олиб келиши ҳамда ушбу омиллар “Шахсдаги виктимликни” келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисидаги турли ҳил мазмундаги мунозаралар илгари сурилган. Шундай экан, виктим, виктимлик, виктим омиллар ва шу каби тушунчалар ўзи қандай маънони англатади, улар қаердан пайдо бўлди деган саволгани ва у тушунчалар хақида тушунча хосил қилишимиз лозим ҳисобланади.

р

и

Н Узбекистон Республикаси Конституцияси 13-моддаси

Г <sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови //Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси: Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.

К

Илмий тадқиқотларида виктим атамасига «қурбон» деб таъриф беришган. Яъни содир этилган хуқуқбузарликларни содир этилишига фуқаро томонидан яъни жабрланган шахс томонидан ўзи шарт-шароит яратиб берганилиги хозирги кунги тадқиқотлар ва изланишлар натижасида аниқ бўлмоқда. Бунга сабаб хозирги тезлашган замонда хуқуқбузарликларни хам содир этилиши тезлашиб бормоқда бунга сабаб техника ва технологиялар ривожлангани хам бунга бир турки бўлди десак мубоғала бўлмайди. Буни нарсаларни олдини олиш мақсадида қонунчиликгимиз буларга бархам бериш мақсадида ислоҳотлар амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг З-моддасида “**Хуқуқбузарликтан жабрланувчи – жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида хуқуқбузарликтан жабрланган шахс**”, - деб баён этилган.<sup>3</sup> Мазкур қонуннинг **43-моддасида** “Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасанинг муайян шахснинг хуқуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир” деб тушунчасига таъриф берib ўтилган.

*Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси* – хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш жараёнида маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида хуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини хамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш хамда аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини тугдираётган омиллар ва хуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларидан иборат<sup>4</sup>. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш турли хил шаклларда амалга ошириши мумкин хисобланади. Буларга қуйидага шаклларни мисол қилиб олишимиз мумкин хисобланади:

- Оғзаки
- Ёзма
- Электрон
- Кўргазмали

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 341-модда.

- Белгили
- Аралаш<sup>5</sup>

Шакллар орқали хозирги вақтда виктимликни олдини олиш яъни жабрланувчиларни ва хукуқбузарликлардан жабрланишларни олдитни олиш мақсадида амалга оширилмоқда. Бу амалга оширила ётган барча ишлар ва чоратадбирлардан мақсаб фақатгина фуқароларимизнинг хукуқ ва эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини химоя қилиш ва уларни турмуш шароитини яхшилашдан иборат хисобланади. Бунга яқолмисолида хозиргии вақтда жорий амалдаги қонунчилигимизни яна бир ислохоти сифатида 2019-йил 2 сентябръдаги 561-сонли ЎРҚ “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан химоя қилиш тўғрисида”ги қонун.

Бу қонунда **химоя ордери** — тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланувчига давлат химоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжатдир. Тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланувчи қуйидаги хукуқларга эга:

ўзига нисбатан тазиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳди迪 тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин хукуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

ички ишлар органларига химоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, химоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;

содир этилган тазиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Буларни хаммаси фуқораларимизни хукуқбузарликларни жабрланувчиларга айланиб қолишини олдини олиш мақсадида қилинаётган ислохотлар хисобланади.

<sup>5</sup> Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш: Дарслик / Б.А. Матлюбов, Ў.Х. Мухамедов, А.С.Турсунов, З.А.Амирев, Б.Ф.Алимов. Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 295 б.